

Сайд Музаффар Хўжа Киромийнинг биографияси ва ижоди хали тўла ўрганилган эмас. Хоразм шоирларидан Нишотий ўзининг «Хусну дил» номли достонининг 10-бобида бу асарни ёзишда Киромийдан илхомланганини айтиб ўтади. «Хусну дил» 1778 йилда ёзилган. Хоразмда 1791 йилда тузилган бир баёзга Киромийнинг иккита мухаммаси киритилган. Демак бу вактларда Киромий отокли шоир бўлган.

Киромий ўз даврининг маданий савияси юксак ва талантли шоирларидан эди.

Нишотийдан бошка Мунис хам ўзининг машхур шеърларидан бирида Низомий, Жомий, Навоий каби устодлари каторида Киромийни хам хурмат билан эслайди. Шубҳасиз, Киромий ўтмишдаги форс ва ўзбек адабиётини чукур билган. У ўз ижодида Навоий изидан борган, Навоий ижодининг Хоразм меҳнаткашлари, олим, шоирлари орасида таркалишида катта хизмат кўргазган, Нишотий Равнак, Роким, Мунис каби талантли шоирлар ижодига йўл очиб берган.

Биз бу ерда Киромийнинг Навоий газалларига бοлаган бирмунча мухаммасларини келтирамиз. Бу шеърлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шаркшунослик институти фондидағи 7054 раками кўлёзма баёздан олинди.

## МУХАММАСЛАР

Олиб аввал назарда аклу хушимни тамом айлаб,  
Не хосил килдинг, эй бедард, зулму кин мудом айлаб,  
Мени ранжур олур сиххат лабингдин шод ком айлаб,  
Ўлукни тиргузур лаълинг масихосо калом айлаб,  
Такаллум чошнисин шарбати юхийл-изом айлаб.

Санойиъдин бири келмай вужуда, эй малак симо,  
Адам кунжида эрди бору йўқ дунё ва мофихо,  
Килурда сурати покингни устоди кадар пайдо,  
Азалда лаълинга сайд эткали кўнглум кушин гўё,  
Казо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.

Гаройиб зеб коши ток ила кохи эрур хизре,  
Муфарраш анда хар бир санглохи эрур хизре,  
Курук какшал шажарлар жавфи сурохи эрур хизре,  
Чаманда тозаликдин хар курук шохи эрур хизре.  
Магарким ўтмиш андин оби хайвоним хиром айлаб.

Раводур нуктаи мавхум демак оғзинг эъломин,  
Очилмайдур неча наззора килсам кулгу хангомин,  
Колур хайратга кўрса улки аллома қўюб номин,  
Агар харф ўлса мудгам вахки холинг нукта идгомин,  
Аён килди кўзумнинг мардуми ичра маком айлаб.

Хароб ўлмакдин ўзга чора йўқдурким келиб каршу,  
Жафо новакларига айладинг жону дилим кобу,  
Недин тушди каро кун бошинга деб сўрма, эй маҳрў,  
Не бўлгай рўзгорим тийра бўлмайким, очиб гесу,  
Каро шомимни муҳлик айладинг, субхимни шом айлаб.

Агар укбода роҳат истасанг нафсиннга бўлгил зид,  
Сахарлар йиглабон элдин ниҳон бўл тангрига обид,  
Амалнинг яхшиси улдур риёга бўлмагай оид,  
Чу ҳак даргоҳидин мардуд этар найларсан, эй зоҳид,  
Кабули ҳалқ учун ортуки тоат илтизом айлаб.

Жаҳолат тойирин афғон чекиб хуркутди факт ахли,  
Кўнгулни хонумондин ох уруб совутди факт ахли,  
Назар кил, матлабига етгучка кон ютди факт ахли,  
Ёшингни дона, багрингни сув килким тутди факт ахли,  
Хидоят күшларин бу донау сув бирла ром айлаб.

Хабодур ортмас рўзи киши ҳар неча саъй этсун,  
Не хосил меҳнат или жамъ килмок сим или олтун,  
Киромий, кил каноат не муқаддар бўлса чекмай ун,  
Навоий, кунда чун бир курси максум ортмас нечун,  
Фалакдек бўлма танг саргашта тун, кун эҳтимом айлаб.

\*\*\*

Мони чекарга суратинг накшини кўп килди жадал  
Бўлмайин сирри мусбати тасвирига тушди халал,  
Вах не ажаб маснуъсен, йўқтур назиринг, эй гўзал,  
Гўё лабу хатингни тарх этканда наккоши азал,  
Шингарфу зангор ўрнига лаълу зумуррад килди хал.

Будур ул ойнинг одати, солур бошимга кулфати,  
Ўтмай замони фурсати, текгуси жонга шиддати,  
Аклимини олиб фикрати, кўнглумга еткай рохати,  
Фош этти гоҳе рифкати, кўз кони томгон хайъати,  
Ким кўз каросин фуркати, кон бирла айлабдур бадал.

Эй дилбари гулгун кабо, васлингдин ўзга муддао  
Йўқтур манга субху масо, килди ракиб юз минг жафо,  
Мен зорни сендин жудо, хижрон ўти жоним аро,  
Доги фирок, эй дилрабо, андок кўзум килди каро,  
Ким кўз каросидек манга, матлуб эрур доги ажал.

Сархуш майи рангин ила, сар то кадам тазин ила,  
От секритиб ойин ила, чикдинг кошингда чин ила,  
Рохингда мен тахсин ила, килдим дуо омин ила,  
Сен фуркат истаб кин ила, мен ер ўпуб тамкин ила,  
Катл ахлига таскин ила, килмок намоз эрур хиял.

Фуркат шарори ногахон, ёкти таним бермай амон.  
Килдим басе оху фигон, мамлу унимдин осмон,  
Дардим нучук айлай нихон, элдин мени бехонумон,  
Хажринг ўтидин хар замон, андог куяр озурда жон,  
Ким согинур боги жинон, дўзахга кирса филмасал.

Пандим эшит, эй нозанин, не гул колур, не ёсмин,  
Айлаб ажал бир кун камин, тортар бошингга тиги кин,  
Не важх ила бўлмай хазин, охир кетар хар моу тин,  
Юз йилга умр ўлсун карин, бир дам кўрар ахли якин,  
Бас недур эй хилватнишин мунча санга тули амал.

Гулзор аро ул нүшлаб, базм айламакка рўзу шаб,  
Айёми гул бўлди сабаб, хамроҳ неча олий насаб,  
Вахм айлама, чекма тааб, ишрат, Киромий, кил талаб,  
Вуслат замони бўлажак, соки кадаҳ тут лаб-балаб,  
Мутриб, тузат савти тараб, ўткар, Навоий, бир газал..

\* \* \*

Тузуб асбоби шохи беадад ахли хидам чекти,  
Жаҳони тира узра нурдин хони қарам чекти,  
Кеча хиндусини дафъ эткали тиги дудам чекти,  
Сахар ховар шаҳи чарх узраким хайли хашам чекти.  
Шиоий хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.

Таолалло ёйиб оғок аро хуршед ёгдусин,  
Мусаффо айлади кўкнинг мукарнас токи минусин,  
Берид зийнат супурди ер юзидин тун коронгусин,  
Казо фарроши чекти субхнинг симин супургисин,  
Музахҳаб парларин андокки товуси харам чекти.

Ясад устоди кудрат бесутун бу чарх таъмирин,  
Кавокибдин ул айвон ичра кокти кубба тасвирин,  
Не тил бирла килай мингдин бири тавсифи таъбирин,  
Китоба сунъ килки сураи вашшамс тафсирин,  
Фалак токи хавошисида зархалдин ракам чекти.

Сабухи май чекарга риндалар гулшанда ўлтурди,  
Муножот ахли масжид ичра ёраб халкасин курси,  
Алоло солди куффор ахлию нокус чолдурди,  
Муаззин Каъба токи узра гулбонги самад урди,  
Барахман дайр айвонида охангি санам чекти.

Килиб бошдин кадам ушшоклар азми висол этти,  
Кўруб ўтрусида маъшуклар арзи жамол этти,  
Ўкуб мубхам иборатларни шоирлар хаёл этти,  
Маоний ахли гохе нукта узра килу кол этти,  
Муганий хайли гохе нагма узра зеру бам чекти.

Шаби хижронда минг гам юз кўюб бир-биридин собик,  
Тонг отгунча фигон тортиб, ситамдин ошики содик,  
Нигори лаъли ёдидин кўруб жон бермагин лойик,  
Яко чок этти гохи субҳ ул мотамга ким ошик,  
Бу муҳлик шоми хижрон ичра юз хуноби гам чекти.

Шафакдин тўн кийиб илгига олиб дамбадам тигин,  
Чекибдур каҳр ила катл этгали чархи дажам тигин,  
Урар хар бегуноҳ кўксига раҳм этмай алам тигин,  
Замона кулди, ул гоғилга ким даврон ситам тигин,  
Анга урмокни англаб, ўзгага тиги ситам чекти.

Адам мулкига раҳтинг чек, бакосиз умрни англаб,  
Кўнгул уз қасру жохингдин биносиз умрни англаб,  
Кечурмас даҳр бир соат жафосиз умрни англаб,  
Хушо улким мунингдек чог вафосиз умрни англаб,  
Сабухи жомини ахбоб бирла дамбадам чекти.

Каю ошик топарга матлабин пур иштиёқ ўлса,  
Суруру айшу роҳат кўнгли мулкидин йирок ўлса,  
Фигони боиси бир моҳталъат симсок ўлса,  
Агар кўнглида бир гул хажридин хори фирок ўлса,  
Бахона йигламокга бир неча жоми алам чекти.

Не хуш бўлгай фалак они вафо бирла тузуб улфат,  
Дегай ноҳида рост ушшок кил туз чанг ила сухбат,  
Гадое кулбасига келса шоҳи чун очиб талъат,  
Агар худ васл икболи мұяссар бўлса бир соат,  
Фариидун тахти узра базм тузди, жоми жам чекти.

Юрутса жоми жамни ноз ила ул кошлари пайваст,  
Асири күнглудин хажр оташин бир согар эткай паст,  
Мунингдек давлат икболи кишига берган эрмас даст,  
Бўлуб матлуб рухсорига махв жомидин сармаст,  
Юзин туфрокга кўйди, бошини оллига хам чекти.

Анингдек базмни хак асрасун бегона кўздинким,  
Сабухи май ичиб, бурка олиб фархунда юздин ким,  
Кўруб они тани титраб, тили хам колди сўздин ким,  
Не давлатдурки бу холатда андок борди ўздин ким,  
Бако иклимидин тахтини то мулки адам чекти.

Киромий, бандасига раҳмати довар насиб ўлгай,  
Шафоатҳоҳи маҳшар арсасида ул хабиб ўлгай,  
Талаб йўлидоги бекасча не сабру шикиб ўлгай,  
Навоий, шояд ул раҳравга бу максад насиб ўлгай,  
Ким ул дашти фано катъ этгали йиллар кадам чекти.